

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Тошкент шаҳар ҳокимлиги

“Ягона буюртмачи хизмати”

Бош муҳандис в.б.



С. Сагдиев

02 2022 йил

“Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Шифокорлар 2 кўчасини мукамал таъмирлаш ва ободонлаштириш”.


ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

1.	Буюртмачи манзили	Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси, манзил:100027, Тошкент ш., И.Каримов кўчаси,16а уй.
2.	Объектнинг номланиши, Лойиҳаланаётган йўл таркиби	Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Шифокорлар 2 кўчасини мукамал таъмирлаш ва ободонлаштириш
3.	Объектнинг жойлашган ҳудуди	Шифокорлар 2 кўчаси, (Қамарнисо кўчасидан Шифокорлар 2 кўчасигача)
4.	Лойиҳалаштириш учун асос	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарори.
5.	Қурилиш тури	Мукамал таъмирлаш ва ободонлаштириш.
6.	Лойиҳалаштириш босқичлари	Ишчи лойиҳа
7.	Бош лойиҳачи	Танлов савдолари орқали аниқланади
8.	Бош пудратчи	Тендер савдолари асосида аниқланади
9.	Молиялаштириш манбаи	Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари.
10.	Объектнинг лойиҳавий қуввати	Йўлнинг узунлиги – 1,3 км., йўлнинг эни - 20 м., жами майдони – 23 300 кв.м., ирригация ариғининг узунлиги – 2 330 м., пиёдалар йўли – 6 990 кв.м. (аниқ узунлигига топогеодезия ишлари даврида аниқлик киритилади).
11.	Қуйидаги лойиҳа ташкилотлари ЛСХ ишлаб чиқиш танловида иштирок этиш учун рұхсат этилади.	Таснифий лицензияга эга бўлганлар-III тоифа, шунингдек маъмурий қурилиш объектлари учун ЛСХ ишлаб чиқиш ҳуқуқига эга бўлганлар; Камида 3 йил давомида маъмурий бино ва иншооти ЛСХ объектларини ривожлантириш бўйича узвий тажрибага эга бўлганлар; Охирги 3 йил давомида молиявий кўрсаткичлар (айланма маблағлар) камида 3,0 млрд. сумни ташкил этиши лозим; 15 кадрдан кам бўлмаган профессионал ходимларнинг тўлиқ тўплами, (қундузги жадвал, ходим дипломларининг нусхалари илова қилинади).
12.	Лойиҳанинг иш режими	Лойиҳалаштирилаётган автомобил йўли, йил давомида 365 кун эксплуатация қилиниши кўзда тутилади

13.	Атроф-муҳит муҳофазаси бўйича талаблар.	Атроф-муҳит муҳофазаси бўйича лойиҳа ва хулоса бош лойиҳачи тамонидан тақдим этилади.
14.	Ишлаб чиқариш кооперацияси ва инфраструктураси	Тунги ёритиш тизими, ажратувчи тасмалар қурилиши билан қурилатган автомобиль йўли кооперацияси кўзда тутилади
15.	Асосий кўрсаткичлар ва техник талаблар	Қоплама тури – Асфальтобетон. Замонавий йўл қурилиш техникаси, жиҳозлари технологик процесслар қўлланилиши ишчи лойиҳада инобатга олинсин. Қатнов қисми, мустаҳкамланган йўл ҳошияси, йўл чети ва йўл пойининг кенглиги ШНК 2.07.01-03*, ШНК 2.05.02-07 Автомобиль йўллари меъёрий ҳужжатларига мос равишда шу билан бирга эксперимент таъриқасида чет эл меъёрий ҳужжатлари ва тажрибасига асосланган лойиҳа ишлари бажарилсин. Трасса ўқини лойиҳалашда мавжуд йўл пойи ва йўл тўшамаси конструкциясидан имкон қадар максимал фойдаланилсин. Йўл тўшамаси конструкциясини лойиҳасида амалдаги меъёр талабларига асосланган ҳолда замонавий йўл қурилиш материалларидан фойдаланиш инобатга олинсин. Йўлнинг мавжуд қопламаси нуксонлар кайдномаси орқали буюртмачи билан келишилган ҳолда лойиҳалансин. Йўл қопламаси йўлнинг ўқига тушувчи 13 тонна (А3) юкламада ҳисоблансин. Йўл режаси, йўл пойи ва йўл тўшамасининг андозавий кўндаланг кесимини Буюртмачи бошқа тегишли ташкилотлар билан келишган ҳолда қабул қилинсин. Трассанинг техник жиҳозлаш ва чорраҳаларда ҳаракатни тартибга солувчи чирок(светофор)лар чизмаси Тошкент шаҳар ЙХХББ билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилсин. Ёмғир сувларини қочириш учун ёпик турдаги замонавий (дренаж) ирригация тизимлари. Автомобиль тўхташ жойлари (парковка) ташкил этиш лойиҳада кўзда тутилсин. Ободонлаштириш ишларида манзарали дарахт ва буталар экиш яшил ҳудуд учун замонавий ёмғирлатиб ва томчилаб суғориш тизимини лойиҳалаш кўзда тутилсин. Пиёдалар ва велосипедчилар йўлакларини лойиҳалаш кўзда тутилсин. Йўл ҳудуди, пиёдалар ва велосипедчилар йўлаги учун замонавий, тежамкор тунги ёритиш чироқлари лойиҳалаш кўзда тутилсин. Қурилиш минтақасига тушган бино ва иншоотларни кўчириш маҳаллий ҳокимият томонидан, мавжуд муҳандислик тармоқларини кўчириш ва қайта ўрнатиш ишлари техник шартлар асосида коммуникация эгалари томонидан мақбул лойиҳавий ечимлар асосида қабул қилинсин.

16.	Қурилишни бошлаш ва тугаллаш муддатлари	2022 йил.
17.	Жойнинг тавсифи	Текислик ҳудуди
18.	Энергия сарфи бўйича талаблар.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 2 июндаги 161 сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги ПҚ-2343 сонли қарори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 октябрдаги 161 сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 октябрдаги ПҚ-3981 сонли қарори.
19.	Ерларни рекултивациялаш, ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича талаблар	Ердан оқилона фойдаланиш таъминланиши лозим. Атроф муҳитни химоялаш, бузилган ерларни тиклаш ишлари харажатлари кўзда тутилсин; Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ҳамда сувғориш ишлари кўзда тутилсин;
20.	Мухандислик изланувчилари зарурияти	Диагностика ишлари бажарилсин
21.	Қурилишнинг алоҳида шарт-шароитлари	Сейсмиклик даражаси - ҚМҚ 2.01.03-96 га биноан қабул қилинади. Йўлнинг геодезик қидирув (топогеодезия) ишлари буюртмачи томонидан тақдим этилади.
22.	Сунъий иншоотлар	Мавжуд сунъий иншоотларни таъмирлаш ишлари ШНК 2.05.03-12 “Кўприklar ва қувурлар” талабларига мос равишда ва техник кўрик хулосаси асосида
23.	Қурилишни ташкил этиш лойиҳасини ишлаб чиқиш	ШНК 3.01.01-03 га асосан тўлиқ ҳажмда ишлаб чиқилсин.
24.	Топшириш қабул қилиш тартиби	Ишчи лойиҳа ушбу топшириқ талабларига биноан қабул қилинади. Ишчи лойиҳаси 3 нусхада ва электрон вариантда (PDF) амалдаги стандартлар бўйича буюртмачига топширилиши лозим смета ҳужжати 1 нусхада китоб ва электрон шаклда (диск).

Тошкент шаҳар ҳокимиятининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси бирламчи рухсат берувчи, лойиҳа ҳужжатлари ва танлов ҳужжатларини тайёрлаш бўлими бошлиғи



Ш. Қодиров

БРБЛ ва ТХТ бўлими бош мутахассиси



Х. Юсупов

